

## Таъзия



11:10 / 12.04.2020 2363

«Hilol» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси қирғизистонлик устоз Ҳабибуллоҳ (Дарген) домланинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло марҳумнинг илм йўлида кечирган ҳаётлари, исломга қилган хизматларига савобларни кўпайтириб берсин. Барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфиратига, раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, ҳақларига дуо қилиб, самимий ҳамдардлик билдирамыз. Парвардигоримиз марҳумни Ўзининг раҳмати ва мағфиратига буркасин, ортларида қолган аҳли байти ва фарзандларига сабру салвон берсин!

**Иннаа лиллаахи ва иннаа илайхи рожиъуун!**

***Islom.uz* портали тахририяти**